

THE EXPRESSION OF NATIONALISM IN THE WORK OF ABDULLAH SHER

Sayora Khaknazarova Abdurahmonovna,
Senior Teacher
Fergana State University

Abstract: Abdullah Sher is a versatile artist, and when we look at his work, we feel the national spirit and nationalism that runs through his poems. The themes of the poet's poems are diverse, mainly reflecting the simplicity, diligence and integrity of the Uzbek people. The poet's work reflects the boundless love and respect of our people for the Motherland. In his poems, which are full of special love for the Motherland, the poet expressed the landscapes of the Motherland, endless steppes, beautiful corners, villages and their beautiful nature in simple and familiar words familiar to every reader.

АБДУЛЛА ШЕР ИЖОДИДА МИЛЛИЙЛИК ИФОДАСИ

Сайёра Хақназарова Абдурахмоновна
Катта ўқитувчи
Фарғона давлат университети

Абдулла Шер серқирра ижодкордир, унинг ижодига назар солган саримиз шеърларига йўғрилган миллий руҳни ва миллийликни ҳис этамиз. Шоирнинг шеърларида қаламга олинган мавзулар ранг-барангдир, унда асосан ўзбек халқининг соддадиллиги, меҳнатқашлиги, беғуборлиги ўз ифодасини топган. Шоир ижодида халқимизнинг Ватанга бўлган чексиз муҳаббати ва эҳтироми ҳам акс этирилган. Ватанга ўзгача муҳаббат туйғулари билан йўғрилган шеърларида, шоир Ватан манзараларини, бепоён далаларини, сўлим гўшаларини, қишлоқлар ва уларнинг гўзал табиатини оддий ва содда, ҳар бир китобхонга таниш сўзлар орқали ифода этган.

Шоир ўз ижодида халқимиз характерини ёрқин ва теран фикрлар ифодаси орқали баён эта олган. Унинг миллийлик билан йўғрилган асарларини ўқиган китобхон кўз ўнгида халқимизнинг меҳнатқаш, соддадил фазилатлари намоён бўлади. Адиб ижодида Ватанимизнинг сўлим гўшалари, бепоён далалари, гўзал манзараларини ифодалаш баробарида, асарларига миллийлик ифодасини ҳам жо эта олган. Ижодкор шеърларини ўқиш жараёнида китобхон қалбига ўзбекона миллий руҳ ҳам сингиб боради:

Орзунинг сандиқлари бўшаб бормоқда бир-бир,
Қани гавҳар, забаржад, қани заррин заҳира?!
Қолган йўлимда энди дуч келмас менга Хизр,
Айланмагай бу палос учар гиламга сира.
Қизғалдоқли томини ҳилпиратган ул гўша
Болалигим достонин куйлаб турар осмонга;
Сомоншувокдан чиққан исмалок, буғдой – ўша,
Фақат оёғим етмас бугун ёғоч нарвонга.

Ушбу мисраларни ўқиган китобхон кўз ўнгида бевосита қишлоқ манзаралари билан бирга, қишлоқнинг танти, меҳнаткаш, беғубор одамлари ҳам намоён бўлади. Шоир асарларида инсонларнинг маънавий дунёси, ўй- истаклари, интилишлари ўзига хос поэтик маҳорат билан ифодаланган. Адиб ўз асарлари орқали ўзи туғилиб ўсган юртнинг сурури, тароватини, ҳамда халқининг самимияти, руҳиятини ўзига хос ифода билан адабиётимизга олиб киришга муваффақ бўлган ижодкорлардан ҳисобланади.

Шоир “Ёз” шеърида ёз тароватини тасвирлаш орқали Ватан манзараларини юксак шоирона маҳорат билан куйлайди, ижодкор табиатни тараннум этиш баробарида, ўз мисраларига халқимизга хос бўлган хис-туйғуларни, ички кечинмаларни, ҳиссиётларини ҳам мужассам этади. Адиб асарларининг асосий ғояси ва қаҳрамонлари, оддий, камтар ўзбек халқи ва унинг пок, беғубор кечинмаларидир.

Гоҳ арава ўтса ирмоқдан
Кўприк сувни тўлдирар хасга.
Тўнтарилган тарғил пучмоқдан
Тўкилади аланга пастга.
Ўримини кутар бош эгиб,
Пайкалларда қуюқ, сара дон.
Пешиндан сўнг уфққа тегиб,
Қайтиб келар яна саратон.

Адиб юртимиз фаслини шундай маҳорат билан тасвирлайдики, уни ўқиган китобхон, ўзининг ёзнинг иссиқ кунларида, ўрим пайкалларида тасаввур қилади. Абдулла Шер лирикасида Ватан мавзусидаги шеърлар кўп учрайди. Шоирнинг лирик қаҳрамони инсоният ва ер куррасининг тақдири, Ватанининг бугуни ва келажаги тўғрисида куйиб-пишиши, қайғуриши, беҳаловатлик, безовталиқ билан яшавочи ўзбек халқидир. Ватан ва халқининг келажагини, ўтмиши ва бугуни билан юраги жўш уриб турган образлар адиб асарларининг асосий қаҳрамонларидир. Шоир нозик мисралар орқали халқимиз қалб тугёнлари, ички ҳиссиётлари ва руҳиятини кўз ўнгимизда гавдалантириб бера олган ижодкорлардан ҳисобланади. „Манзарали дарахтлар“ шеърида шоир шаҳар кўчаларини, ундаги дарахтларни инсон ҳислари билан ҳамоханг тарзда ифодалайди, мисраларни ўқиган сарингиз юрагингизни алланечук нотаниш туйғулар қамраб олади:

Савлат тўкиб яшайди манзарали дарахтлар
Хиёбону кўчалар, зиёратбоп жойларда.
Ҳар сахарда фаррошлар сув сепишар, ярақлар –
Чангга ботган барглари ёз-ёғинсиз ойларда.
Печакларнинг севгиси уларга ёт бир умр,
Атрофида унмайди бирор бегона гиёҳ.
Сувлар ҳам лойқа эмас, уруғ ташимас бир қур –
Бетон ариқ бўйида силкинмас ялпиз, қиёқ.

Шоир жимжимадор сўзлардан фойдаланмайди, балки халқона содда тил ва содда қочиримлар унинг асарлари сюжетини ташкил қилади. Шеърдаги ҳислар жилваси, туйғулар манзараси ва теран фикрлар қалбимизнинг туб-тубига сингиб бориб, уни жунбушга келтиради. Шоир асарларини ўқиган саримиз Ватанга бўлган муҳаббатимиз юксалаверади, содда, меҳнатсевар халқимизга севгимиз ортаверади, чунки шоир бизни сеҳрли, жилвадор мисралари билан мафтун қила олди ва биз унинг шеърлар дунёсида бирга сайр қилдик.

Ижодкорлик оллоҳ томонидан берилган буюк неъматдир, унинг мевалари эса адибларни бизга тақдим қилаётган асарлари ҳисобланади. Асарларини китобхон юрагига, қалбига сингдира олган ижодкоргина хақиқий ёзувчи бўла олади, ишонаманки, Абдулла Шер асарлари ҳам узок йиллар давомида китобхонларни ром қила олган, туйғуларини жунбушга келтира олган асарлар сифатида узок йиллар қалбларда муҳрланиб қолади.

Адабиётлар:

1. Абдулла Шер “Мўжизавийлик ва хаёлийлик” мақоласи “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2013 йил № 14 сон
2. Абдулла Шер. “ Оқ булутдан томган томчилар”. Хуршид Даврон кутубхонаси. 2015 йил 5 август.
3. Абдулла Шер “Шеърлар” Хуршид Даврон кутубхонаси. 2016 йил, август.